

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ТАДБИРКОРЛИК: ИСЛОҲОТЛАР, МУАММОЛАР, ЯНГИЛАНИШЛАР

Марозиков Акмал Абдурашидович
Қўқон давлат университети
Тарих фанлари бўйича PhD, доцент

Аннотация: Ўзбекистон мустақилликка эришганнинг илк йиллариданоқ узоқ йиллар давомида аграр соҳага ихтисослашиб қолган республикада, ижтимоий –иқтисодий инқироз шароитида кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш, аграр муносабатларнинг янги типини яратиш жараёнлари амалга оширилиши жуда зарур эди. Ўзбекистонда энг аввало аҳолини иш билан таъминлайдиган, уларни истеъмол товарлари билан таъминлайдиган соҳа тадбиркорликни ривожлантириш долзарб ва устувор вазифа эди. Ушбу мақолада Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш йўлида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: аграр соҳа, тадбиркорлик, инновация, кўп укладли иқтисодиёт, аграр муносабатлар, ишлаб чиқариш, саноат, ислоҳотлар.

ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО В ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ В ПЕРВЫЕ ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ: РЕФОРМЫ, ПРОБЛЕМЫ, ИННОВАЦИИ

Марозиков Акмал Абдурашидович
Кокандский государственный университет
Кандидат исторических наук, доцент

Аннотация: В первые годы независимости Узбекистана, в республике, долгие годы специализировавшейся на сельском хозяйстве, в условиях социально-экономического кризиса необходимо было построить многоотраслевую экономику, создать новый тип аграрных отношений. Развитие предпринимательства в Узбекистане, которое в первую очередь обеспечивает занятость и товары народного потребления, было актуальной и приоритетной задачей. В статье анализируется работа, проделанная в Узбекистане за годы независимости по развитию предпринимательства в сельском хозяйстве.

Ключевые слова: аграрный сектор, предпринимательство, инновации, многоотраслевая экономика, аграрные отношения, производство, промышленность, реформы.

ENTREPRENEURSHIP IN FERGANA REGION IN THE FIRST YEARS OF INDEPENDENCE: REFORMS, PROBLEMS, INNOVATIONS

Marozikov Akmal Abdurashidovich
Kokand state university
PhD in History, dotsent

Abstract: *In the first years of independence of Uzbekistan, the republic, which for many years specialized in agriculture, in the context of socio-economic crisis, it was necessary to build a diversified economy, to create a new type of agrarian relations. The development of entrepreneurship in Uzbekistan, which primarily provides employment and consumer goods, was an urgent and priority task. This article analyzes the work done in Uzbekistan during the years of independence to develop entrepreneurship in agriculture.*

Keywords: *agrarian sector, entrepreneurship, innovation, multi-sectoral economy, agrarian relations, manufacturing, industry, reforms.*

Ягона халқ хўжалигининг таркибий қисмига айланиб қолган Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан иқтисодиётда катта ислохотларни амалга оширишни талаб этди. Бунинг учун аввало қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклини ўзгартириш, меҳнатнинг ташкил этишининг деҳқон учун тушунарли бўлган турларини вужудга келтириш лозим эди. Бу борада мулкни ислоҳ қилиш ва мулкчиликнинг турли шаклларида ўтиш масалалари муҳим бўлган бир пайтда республикада тобора хусусий сектор салоҳиятини кўтариш муҳим масалалардан бирига айланди. Аммо узок йиллар мобайнида асосан, аграр соҳага ихтисослашиб қолган республикада, ижтимоий –иқтисодий инқироз шаороитида кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш, аграр муносабатларнинг янги типини яратиш жараёнлари амалга оширилиши жуда зарур эди. Бинорбарин, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолининг халқ истеъмол товарларига бўлган талабининг ортиб боришида асосий вазифа табиийки аҳолини озиқ – овқат маҳсулотларига, саноат тармоғини хом ашёга бўлган талабини қондириш асосий вазифа бўлиб қолди. Бунинг устига аҳоли сонининг йилдан - йилга ошиб бориши, саноат ва қурилиш тармоқларининг тез ривожланиши, айниқса қишлоқ хўжалигига яроқли бўлган ерларга бўлган талабнинг ортиб бориши натижасида республикада бир киши ҳисобига тўғри келадиган ерлар майдони тобора камайиб борди. Республика қишлоқларида ери йўқ оилалар сони 240 минг нафар, уй-жой қурилиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш

учун ерни кенгайтиришга мухтож оилалар сони 1,8 млн.дан кўпроқ эди [1]. Агар 1976 йилда республика миқёсида бир киши ҳисобига 0,27 гектар ҳайдаладиган ер тўғри келган бўлса, 1995 йилда 0,16 гектарни ташкил этди ёки 41.2 фоизга қисқартирилди. Шу даврда республика аҳолиси сони 14.2 млн. кишидан 1996 йил бошига келиб 23 млн. кишига ошди [2]. Бу табиийки муаммоларни ҳам келтириб чиқарди.

Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг 1989 йил 19 август “Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва яқка тартибдаги уй – жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида”ги Қарор қабул қилингандан сўнг аҳолини ер билан таъминлаш мақсадида ўтказилган тадбирлар ўз натижасини берди, Бу қонун қабул қилингандан сўнг 181 минг гектар ер майдони аҳолига томорқа учун ажратиб берилди. Бироқ ислохотлар давомида ўйламасдан, шошма – шошарлик билан ерларни ажратиш ҳолатлари ҳам бўлиб ўтди. Масалан, 1993-1995 йилларда Фарғона водийсида аҳоли зич яшаётганлиги, ер майдонларининг бошқа вилоятларга нисбатан жуда чегараланганлиги, жумладан бир кишига водийда 0,9 геатр, Фарғона вилоятида 0,7 гектар, Андижон вилоятида – 0,6 гектар ер майдони тўғри келганлиги хусусиятларини ҳисобга олмай жамоа ва ширкат хўжаликларидаги мустақил фермаларни кредит олиш билан фермерликка айлантириш оқибатида 1996 йил сентябрдан бошлаб, улар яна жуда заифлашиб борди, моллар сони камайиб, чорва молларни сақлаш ва ем-хашак билан таъминлаш шароити ёмонлашди, деҳқон (фермерлар)дан фермалар жамоа хўжаликларига қайтариб олиш ҳоллари юз берди. Масалан, Фарғона вилояти Бешариқ тумани “Рапқон” жамоа хўжалиги фермани 5 млн. сўмга кредитга фермерлика олинган ер катта зарар билан қайтариб берилди. Бундай ҳолатлар Олтиариқ, Фарғона, Тошлоқ туманларида ҳам бўлди [3].

1991 йил 11 январда “Аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада мустаҳкамлаш тўғрисида”ги Фармон чиқиб, унга мувофиқ 516.6 минг гектар ер майдони аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларига муддатсиз фойдаланиш учун ажратиб берилди. Натижада 1993 йилга келиб аҳолининг

шахсий ёрдамчи хўжаликларидаги экин майдонлари 343,6 минг гектарга етиб, улардан унумли фойдаланиш ҳисобига 210 минг тонна дон, 1843,6 минг тонна сабзавот, 198,5 минг тонна картошка, 363.5 минг тонна полиз маҳсулотлари ҳамда 281,5 минг тонна мева етиштирилди. 1995 йилга келиб республикада етиштирилаётган доннинг 10 фоизи, картошканинг 42 фоизи, сабзавотнинг 62 фоизи, полизнинг 65 фоизи, сутнинг 75 фоизи, тухумнинг 43 фоизи, жуннинг 64 фоизи аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида етиштирилди [4].

1991 йил мустақиллик қўлга киритилгач, табиийки муаммолар ҳам келиб чиқа бошлади. Иқтисодий танг аҳволда бўлган Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш муҳим муаммолардан ҳисобланди. Аҳолининг 61 феоиздан ортиқроғи қишлоқ жойларда яшаган Ўзбекистонда эса аввало мулкчилиқни давлат тасарруфидан чиқариб, унинг турли шакллари ривожлантириш долзарб бўлиб қолди. Аҳолини иш билан таъминлаш, оила бюджетини яхшилаш ва кишиларни халқ истеъмол молларига бўлган талабини қондиришнинг асосий йўлларида бири қишлоқ жойларида турли саноат корхоналарини ташкил этиш эди. Бу муҳим ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, бу биринчидан, қишлоқ хўжалигидаги мавжуд хом ашё базаларидан унумли фойдаланиш имконини берар, икинчидан, аҳолини иш жойлари билан таъминлаши, уларнинг оила бюджетлари, турмуш даражасини яхшилаш, учинчидан, жамоа хўжаликларининг даромадини ошириш, иқтисодиётни мустаҳкамлаши, тўртинчидан, қишлоқ жойларида қурилиш индустриясини ривожлантириш имконини берар эди.

Аҳолиси зич жойлашган минтақалардан бири Фарғона вилояти эди, бу ернинг қарийиб 70 фоиз аҳолиси қишлоқларда истиқомат қилган. 1995 йилда вилоятда аҳоли сони 2444 минг кишини ташкил этиб, йилига аҳоли ўсиши 2.5 фоиз ёки 50-60 минг кишига кўпайган. Мавжуд аҳолининг 1165,2 минги меҳнатга лаёқатли бўлиб, 869,3 минг киши жамоат секторларида, 143,7 минг киши эса уй хўжалигида банд бўлганлар. Меҳнат ресурсларининг йиллик ўсиши 23,0 минг кишини ташкил қилиб, шундан 10 минги қишлоқ жойларга

тўғри келган [5]. Шу мақсадда янги тузилган фермер хўжаликларининг ўрни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдаги ўрни юқори бўлиб борди. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтақўпир туманида Н.Боғлонов, Самарқанд вилоятининг Ургут туманида В.Бозоров, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидан С.Қорабоев, Фарғона вилоятининг Учкўприк туманидан М.Аҳмедов бошлиқ фермер хўжаликлари ҳар гектар ердан 50 центнердан ғалла етиштиришга муваффақ бўлганлар. Худди шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида А.Абдуллаев, Наманган вилояти Чортоқ туманидан Н.Темиров, Фарғона вилояти Охунбобоев туманидан М.Маҳмудовалар раҳбарлик қилган фермер хўжаликлари 75-85 тонна сут, 15-20 тонна гўшт тайёрлашга муваффақ бўлганлар [6]. 1996 йилнинг иккинчи яримида республикада кичик корхоналарнинг сони 7622 тага ортган бўлса, шуларнинг 90 фоизи хусусий корхоналар ҳиссасига тўғри келган [7].

Айнан Фарғона вилояти ҳақида гапирсак, мустақилликнинг дастлабки йилларида Фарғона вилоятида ёрдамчи хўжалиklar Ўзбекистон, Бувайда, Бешариқ, Қува ва Тошлоқ туманларидаги хўжалиklar алоҳида ўрнатилди. Бешариқ туманидаги ширкатлар уюшмасида 15 дан ортиқ ёрдамчи хўжалиklar фаолият кўрсатган бўлса, уларда ғишт цехи, тикувчилик, оҳак, қандолатчилик, кулолчилик, гилам тўқиш, дурадгорчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу цехларда 100 мингдан ортиқ киши меҳнат қилди. Бундай хўжалиklarга Бешариқ туманидаги “Рапқон”, “Ўзбекистон” жамоа хўжаликлари, Боғдод туманидаги “Намуна” жамоа хўжалиги, Бувайда туманидаги “Бувайда”, “Янгиқўрғон” жамоа хўжаликлари, Тошлоқ туманидаги “Яккатут” ва “Заркент” жамоа хўжалиklarини киритиш мумкин эди. Бу хўжалиklarнинг ҳар бирида ўнлаб ёрдамчи хўжалиklar бўлиб, уларда қишлоқ ёшлари меҳнат қилишди.

1994-1995 йилларда Бешариқ тумани “Рапқон” жамоа хўжалигида тери ошлаш ва ундан ҳар хил оёқ кийимлари ҳамда курткалар тикиш цехи ишга туширилди. Бу жамоа хўжалиги ҳар йили пахта, пилла, мева – сабзавот

етиштириш режаларини бажариб келган. Бу ерда 13 та ёрдамчи ва кичик корхоналар барпо этилган. Уларда 308 нафар қишлоқ ёшлари меҳнат қилди. Тошлоқ тумани “Заркент” жамоа хўжалигида консерва цехи ва нутрия терисидан телпак тикиш цехлари ишга туширилди [8].

Ўзбекистон туманидаги Ғофур Ғулом номли жамоа хўжалигининг аҳолиси зич жойлашган бўлиб, ҳар бир жон бошига 0,09 гектардан экин майдони, ҳар бир ишловчи ҳисобига эса 0,6 гектардан экин майдони тўғри келар эди. Бу хўжаликда деҳқончиликнинг бошқа тармоқлари қатори чорвачилик ҳам ривожлантирилди. Хўжаликнинг жами ер майдони 3.612 гектар, аҳоли сони эса 24.500 кишини ташкил қилган бўлса, шундан 3.250 нафари жамоа хўжалигида ишлади. Хўжалик ўзида етиштирган хом – ашёни қайта ишлаб, маҳсулот ҳолига келтириб ишлайдиган ғишт, консерва, атлас, гилам, шарф ва рўмол тўқиш, тикувчилик, оҳак ишлаб чиқариш, кулолчилик, ипак толаси ишлаб чиқариш, шолча тўқиш, телпак тикиш, макоран цехлари ишлаб чиқарувчи корхоналар сонини кўпайтириши натижасида уларнинг сони 16 тага етди. 1993 йилда эса пахта тозалаш цехи ишга туширилиб, Нурсух қишлоғининг 30 нафар ёшларини иш билан таъминлаган. Завод комплексига кирган тўқимачилик цехида 3 маҳсулот: пайпоқ, газлама ва тайёр кийим –кечак ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ва 86 нафар киши иш билан таъминланган, атлас тўқиш цехида 35 киши меҳнат қилди [9].

1995 йилда белгиланган 61000 корхона тузилиши ўрнига 64428 та кичик ва ўрта корхоналар ташкил топди. Фарғона водийсининг ўзида Андижонда 5272 та, Фарғонада 5005 та, Наманганда 5010 та кичик корхоналар тузилиб, ўз фаолиятини олиб борганлар [10].

Бундай корхоналарни ривожлантириш, халқаро бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилиш тизимли равишда давом эттирилди. Экспорт қилувчи корхоналар ҳар томонлама қўллаб –қувватланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятига кенг жалб

килинди. Шунингдек, сармоя киритувчи корхоналар, ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Умуман. Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда совет давлатидан сўнг қолган мураккаб иқтисодий аҳволни изга солиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилсада, танг аҳволда қолган қишлоқ хўжалиги, саноатни изга солиб олишда ўзига хос мураккаб вазиятлар келиб чиқди. Ўзбекистон, айниқса Фарғона вилояти туманларининг қишлоқ хўжалигига мослашганлиги бу ерда асосан деҳқончилик билан шуғулланиш лозимлигини кўрсатди. Бироқ, мустақилликнинг дастлабки йиллари бу ўзига хос қийинчилар билан амалга оширилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Обломуродов Н., Толипов Ф. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида мулкчилик ва тадбир-корликнинг аҳволи: ютуқлар, муаммолар ва ечимлар // O'zbekistonda ijtimoiy FANLAR. 2-3/2019. -24 бет.
2. Гофуров А, Усмонова З. Ер ресурсларидан фойдаланиш муаммолари // Иқтисод ва ҳисобот. 1997. -№3, – 15 бет.
3. Гофуров А., Усмонова З. Ер ресурсларидан фойдаланиш муаммолари // Иқтисод ва ҳисобот. 1997, - №3,- 15 бет.
4. Набиев Э., Ғойибназаров Б. Томорқанинг аҳамияти // қтисод ва ҳисобот. 1995. -№??, - 64 бет.
5. Йўлдошев Б., Юсупов О. Фаровон турмуш сари (Қишлоқ жойларида ёрдамчи саноат корхоналарини ривожлантириш ҳақида) // Иқтисод ва ҳисобот. 1996. -№11, - 30 бет.
6. Сиддиқов Б. Истиқболни белгиловчи омил // Иқтисод ва ҳисобот. 1996. №3-4. – 46 бет.
7. Гофуров У. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари // Иқтисод ва ҳисобот. 1997. -№11-12, -17 бет.
8. Йўлдошев Б., Юсупов О. Фаровон турмуш сари (Қишлоқ жойларида ёрдамчи саноат корхоналарини ривожлантириш ҳақида) // Иқтисод ва ҳисобот. 1996. -№11, - 30 бет.
9. Йўлдошев Б., Юсупов О. Фаровон турмуш сари (Қишлоқ жойларида ёрдамчи саноат корхоналарини ривожлантириш ҳақида) // Иқтисод ва ҳисобот. 1996. -№11, - 30 бет.
10. Орипов О. Ривожланиш омили // Иқтисод ва ҳисобот. 1995. -№8, - 11 бет.